

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 781-ҳадис

781/1563 - عَنْ عُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ تَهَىَ عَنِ الْمُتَعَةِ، وَأَنْ يُجْمِعَ بَيْنَهُمَا، فَلَمَّا رَأَى عَلِيٌّ

أَهْلَ بِهِمَا: لَبَيْكَ بِعُمْرَةِ وَحْجَةٍ، قَالَ: مَا كُنْتُ لِأَدْعَ سُنَّةَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِقَوْلٍ أَحَدٍ.

781.1563. Марвон ибн Ҳакамдан ривоят қилинади:

«Усмон ва Алий розияллоҳу анҳумога гувоҳ бўлганман: Усмон таматтуъдан ва икковини (ҳаж билан умрани) жамлашдан қайтарар эди. Алий (буни) кўриб, «Ҳаж ва умра учун Сенга лаббай», деб ҳар иккисига эхром боғлади. У: «Мен биронинг сўзини деб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ташламайман», деди».

Манба: hadis.islom.uz

